

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.03.2019.Psi.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУСАМАТОВ ХАСАНБОЙ УСМОНЖОН ЎҒЛИ

**НИКОҲДАН ТАШҚАРИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Абдусаматов Хасанбой Усмонжон ўғли Никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари..3	
Абдусаматов Хасанбой Усмонжон ўғли Социально-психологические особенности внебрачных отношений.....24	
Abdusamatov Khasanboy Usmonjon ogli Social psychological characteristics of extramarital relations.....47	
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....51	

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.03.2019.Psi.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУСАМАТОВ ХАСАНБОЙ УСМОНЖОН ЎҒЛИ

**НИКОҲДАН ТАШҚАРИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2PhD/Р.110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шоумаров Ғайрат Бахрамович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Баратов Шариф Рамазонович
психология фанлари доктори, профессор

Рўзикулов Фахриддин Расулович
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.28.03.2019.Psi.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

З.Т.Нишонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, психол.ф.д., профессор

Х.А.Қадирова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

В.М.Қаримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсонларнинг келиб чиқиши, миллати ва иқтисодий-ижтимоий тузилмасидан қатъий назар, уларда никоҳдан ташқари муносабатлар юзага келмоқда. Унга сабаб, оила асосчилари – эр ва хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашуви натижасида яширин ёки ошкора намоён бўлади. Бу эса, бугунги кунда оилаларнинг мустаҳкамлигига, оила институтининг заифлашишига, рашк туфайли қотилликлар ва ажримларнинг сони ортишига сабаб бўлмоқда. “Дунёда ҳар 8 та никоҳдан биттаси ажрим билан тугаётган бўлса, шундан 3-4 таси рашк ва хиёнатлар натижасида содир бўлмоқда”¹. Масалан, “АҚШда йилига ҳар минг кишининг 6 нафари никоҳдан ташқари муносабатлар қурбонига айланмоқда. Россияда эса, ҳар йили тахминан 12000 оилада қотилликлар содир бўлиб, шулардан 60 % га яқини никоҳдан ташқари муносабатлар туфайли келиб чиқмоқда”². Бу эса, оилаларда никоҳдан ташқари муносабатларни илмий жиҳатдан ўрганиш асосий омил эканлигидан далолат беради.

Дунёда никоҳдан ташқари муносабатлар оилаларнинг умумий муаммосига айланиб бормоқда. Эр-хотин муносабатларининг мувозанатини бузувчи ҳар қандай ҳолатни “никоҳдан ташқари” деб номлаш мумкин³. Оиладаги муаммоларни юзага келтирувчи психологик, жисмоний ва эмоционал зўравонликлар ҳамда низолар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда⁴. Буларнинг барчаси ажралишларга, ишончнинг йўқолишига ва никоҳдан ташқари муносабатларни юзага келишига сабаб бўлади⁵. Никоҳдан ташқари муносабатлар натижасида юзага келадиган ажримлар, рашк туфайли содир бўлаётган қотилликлар ва оила институтини заифлашуви каби психологик омиллар ушбу тадқиқотларнинг долзарб йўналишлигича қолмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда оилаларни ижтимоий-иқтисодий кўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур масалада давлатимиз бутун дунё ҳамжамятида намуна бўлиб келмоқда. Шу маънода мамлакатимизда оилаларнинг репродуктив ва демографик ривожланиши, замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш, оила-никоҳ муносабатлари соҳасидаги халқаро ва хорижий тажрибаларни амалиётга тадбиқ этиш, нотинч ва муаммоли

¹ Оилаларда зўравонликларнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хорижий тажриба: Республика амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 192 б.

² Classen CC et al.(2018). Sexual Revictimisation: A Review of the Empirical Literature. *Trauma Violence and Abuse*, 6(2): 103-129.

³ Ogwohademhe M, Ishola CA. Factors responsible for extramarital affairs as perceived by married adults in Lagos, Nigeria. *Problems of Psychology in The 21st Century*. 2013;6:37-46

⁴ Flood R. Communication Tools That Saved My Marriage. *Family Life* 2005. Available at <http://www.familylife.com/articles/topics/marriage/staying-married/communication/5-communicationtools-that-saved-my-marriage>. Accessed on 11 January 2017. Sanghani R. When does an argument between lovers become domestic abuse? *The Telegraph* 2014. Available at <http://www.telegraph.co.uk/women/womens-life/11251254/When-does-an-argument-between-lovers-become-domestic-abuse.html>. Accessed on 2 January 2017.

⁵ Divorce Statistics 2016. Latest Infidelity Statistics of USA. Available at <http://www.divorcestatistics.info/latest-infidelity-statistics-of-usa.html>. Accessed on 17 January 2017

оилаларни аниқлаш ва уларнинг ижтимоий-психологик асосларини яратиш ҳамда оилалардаги психологик муҳитни соғломлаштириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бу ўз навбатида, оилаларда никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб масала эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги 229-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори шунингдек, ушбу фаолият тизимига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий-психологик муносабатларини тадқиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш, психологик муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олишга қаратилган йўналишлар бўйича услубий тавсияларни яратиш ва самарали татбиқ этиш бўйича принципиал жиҳатдан янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарур”⁶ – деган устувор вазифалари илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда оиладаги никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш борасида илк илмий тадқиқотлар хориж психолог олимлари изланишларида ўз аксини топган бўлсада, XX аср бошларида Туркистон заминида кечган миллий уйғониш даврининг нафақат адабиёти, балки ижтимоий-психологик, сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётига ҳам кучли туртки берган қомусий илм эгаси, профессор Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила ёки оилани бошқариш

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.

тартиблари” рисоласида инсонни ижтимоий борлиғини таъминлайдиган сабаб бу жинсий муносабатлар сифатида “Агар у тамоман дунёдан кўтарилса, башарият инқирозга дуч келиши аниқ”⁷ деб таъкидлаган эди. Ундан ташқари, А.Фитрат никоҳдан ташқари муносабатларга киришишнинг сабабларини қуйидагича таҳлил қилади “Агар инсон шахват талабларини даф қилолмай қолса, қуйидаги уч ёмон амалга гирифтор бўлиши мумкин: зино, лут қавми амали ва шахватни ўз-ўзини қондириши”⁸ деб билдирган. Бу эса, никоҳдан ташқари муносабатларни ўрганиш тарихи узоқ ўтмишга эга бўлиб, Абдурауф Фитрат ҳам ўз фаолиятида никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий, ахлоқий ва ҳозирги замон оила психологиясининг таълимотларидан оқилона фойдаланилганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда оила ва оилавий муносабатларга бағишланган адабиётлар билан танишиб чиқиш, ўзбекистонлик психолог олимлар ишларида ҳам бу йўналишда ўзига хос илмий амалий тажрибалар йиғилганлигини кўрсатади. Жумладан республикамиз психолог олимларидан Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Э.Н.Сагторов, Н.А.Соғинов, Э.Ш.Усмонов, Х.К.Каримов, У.О.Кадиров, Р.С.Самаров, М.Утепбергенов, Г.Ниязметова, Ф.Рўзикулов, Р.Душанов З.А.Расулова ва бошқаларнинг ишларида бу масалалар махсус илмий тадқиқот сифатида тадқиқ этилган.

Психология фанлари номзоди У.С.Сарибаева “Оила барқарорлигига жинсий-психологик мутаносибликнинг таъсири” мавзусидаги илмий тадқиқот ишида қуйидаги омилларни ўрганган⁹. Унда:

жинсий-психологик қониқиш даражасининг оила барқарорлигига таъсири;

никоҳдан қониқиш ва жинсий-психологик мутаносиблик даражасининг ўзаро боғлиқлиги;

эр-хотиннинг жинсий-психологик мутаносиблигида жинсий саводхонлик даражасининг аҳамияти;

жинсий-психологик номуносабатларнинг ижтимоий-психологик асоратларини аниқлаш каби хусусиятлари ўрганилган.

Психология фанлари номзоди Г.Ниязметова “Ўзбек оилаларида эр-хотинлик муносабатлари динамикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишида қуйидаги омиллар ўрганилган¹⁰:

турли муддат турмуш стажига эга бўлган эр-хотинларда никоҳдан қониққанлик даражаси;

турли муддат турмуш стажига эга бўлган эр-хотинларнинг ўзаро муносабатларида ўзаро тушуниш, эмоционал интилиш ва ўзаро ҳурмат

⁷ Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари /А.Фитрат – Тошкент: “Маънавият”, 2016. – 168 б.

⁸ Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари /А.Фитрат – Тошкент: “Маънавият”, 2016. – 168 б.

⁹ Сарибаева У.С. Оила барқарорлигига жинсий-психологик мутаносибликнинг таъсири. Психол. фан. ном.... дисс. –Т.: 2007 – 151 б.

¹⁰ Ниязметова Г. Ўзбек оилаларида эр-хотинлик муносабатлари динамикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психол. фан. номз.....дисс. –Т.,2010, - 163 б

омилларини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Ушбу илмий тадқиқотнинг асосий вазифаси ўзбек оилаларида эр-хотинлик муносабатлари динамикасининг ижтимоий психологик хусусиятларига қаратилган. Аммо юқоридаги ўрганилган хусусиятлар никоҳдан ташқари муносабатларга сабаб бўлувчи омил сифатида эътибор берилмаган.

Узоқ ва яқин хорижда никоҳдан ташқари муносабатлар Х.Джеймс, Н.М.Каушик, М.Давн, Б.А.Соколкин, О.Лосева, А.Н.Харитонов, Г.Н.Тимченко, Т.В.Андреева, С.И.Ожеговлар томонидан ўрганилган бўлиб, улардан оилавий низолар ва никоҳдан ташқари муносабатларга мойиллиги бор шахс типологияси (И.С.Голод, К.Витек, В.А.Сысенко, В.М.Целуйко)¹¹, оилавий ажримлар (Н.Г.Юркевич, В.Т.Колокольникова, Г.Новейтис), никоҳдан ташқари муносабатларни сабаблари (Т.Д.Дубовицкая, М.И.Рипинская, К. Кофта, А.Липпиус), эр-хотинларнинг бир-бирларига бўлган ишончининг йўқолиши сабаблари (К.Ботуин, А.Н.Волкова, А.И.Львова, Т.М.Заславская, А.Г.Гришин, М.И.Рипинская, Ю.Б.Рюриков)¹² каби муаммолар юзасидан ижтимоий-психологик тадқиқотлар илмий жиҳатдан ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий-психологик жабҳаларини аниқлаш ва уларни тадқиқ этишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

оилаларда никоҳдан ташқари муносабатларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларини аниқлаш;

никоҳдан ташқари муносабатларнинг гендер хусусиятлари нуктаи назардан тадқиқ этиш;

оилавий муносабатлар таҳлилида “ўзаро ҳурмат”, “ҳиссий интилиш” каби психологик омилларни никоҳдан ташқари муносабатлар билан алоқадорлигини илмий жиҳатдан асослаш;

¹¹ Викторода Д. Любовь и секс.-Л.:Час.пик.1996.-96 с. Витакер К. Полуночные размышления семейного терапевта.-М.,1998. 208 с. Витакер К., Бамберри В. Танцы с семьей. Семейная терапия: символический подход, основанный на личном опыте. /Перев. с англ. А.З. Шапиро. - М.: Независимая фирма “Класс” (Библиотека психологии и психотерапии). Воронова М. Клиника измены. Семейная кухня эпохи кризиса / Мария Воронова. - М.: Астрель, Полиграфиздат, Neoclassic, 2011. - 352 с. Целуйко В.М. Быть вместе нельзя расставаться. Как спасти отношения / В.Целуйко. – М.: 2008.

¹² Либих С.С. Социально-психологические и социально биологические проблемы в современной сексологии.-Л.:Изд. ГИДУВ,1993,-С. 247. Липпиус А. Игры для взрослых.-М.,1998. Ричардсон Р. Сила семейных уз. Руководство по психотерапии в помощь семье. - СПб.: Акцидент, Ленато, 1994.

никоҳдан ташқари муносабатларнинг асоратларини олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 3-15 йил оралиғида бирга яшаётган ва турли муддат турмуш тажрибасига эга бўлган жами 248 нафар респондент жалб этилган.

Тадқиқот предмети никоҳдан ташқари муносабатларни белгиловчи ижтимоий-психологик хусусиятлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда Ю.Е.Алёшинанинг “Никоҳдан қониқиш даражаси аниқлаш” методикаси, А.Н.Волкованинг “Эр-хотинларнинг ўзаро тушуниш, ҳиссий яқинлик, ўзаро ҳурмат омилларни ўрганувчи” методикаси, В.А.Аванесовнинг “Никоҳдан қониққанлик даражасини ўлчаш” методикаларининг миллий муҳитга мослаштирилган шакли ҳамда Ғ.Б.Шоумаров ва Х.У.Абдусаматовларнинг “Никоҳдан ташқари муносабатларга мойилликни аниқлаш” бўйича ижтимоий-психологик сўровномаси, маълумотларнинг қайта ишлашнинг математик-статистика методлари, Студентнинг t-меъзони ҳамда Ч.Пирсоннинг r-корреляция коэффициенти методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оилаларда никоҳдан ташқари муносабатларни келтириб чиқарувчи “ўзгани севиб қолиш”, “моддий эҳтиёжини қондириш”, “жинсий алоқага мажбурият сифатида қараш” ҳамда “турмуш ўртоғидан жинсий қониқмаслик” каби ижтимоий-психологик омиллар аниқланган;

никоҳдан ташқари муносабатлар аёлларда “ёшликдаги муҳаббат ҳислари асосида” ва эркакларда “бўш вақтини яхши кайфият билан ўтказиш” ҳамда “хизмат сафари, дўстлар учрашуви” вақтида жинсий алоқа юзага келиши аниқланган;

никоҳдан ташқари муносабатларнинг вужудга келишида оилаларнинг мустақамлигини таъминловчи “ўзаро ҳурмат” ва “ҳиссий интилиш”нинг пасайиши етакчи психологик омиллар сифатида аниқланган;

никоҳдан ташқари муносабатларнинг асоратлари, ажралишлар ва турли таносил касалликларни олдини олиш бўйича муаллифлик ишланмаси тавсифланиб, услубий таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳалий муҳитда илк бор оилаларда никоҳдан ташқари муносабатларнинг салбий хусусиятлари аниқланган;

никоҳдан ташқари муносабатларни ўрганиш бўйича янги ижтимоий-психологик сўровнома яратилган;

турли турмуш тажрибасига эга бўлган жуфтликларда никоҳдан ташқари муносабатларга киришишда турли тафовутлар мавжудлиги аниқланган;

ёшларда никоҳдан ташқари муносабатлар орқали вужудга келадиган салбий омилларни олдини олишга қаратилган ижобий установкани шакллантиришга оид ижтимоий-психологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қўлланилган методикалар ва математик-статистик аниқ методлар жаҳон тажрибасида кўп қўлланилганлиги, олинган эмпирик маълумотлар назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинганлиги, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан, тадқиқотда тақдим этилган маълумотлар аниқ манбаларга таянганлиги, тадқиқот доирасининг кенглиги сифатида турли оилалар танланганлиги, барча оралиқ натижалар йирик илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оилаларнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини халқаро миқёсда ўзининг ишончли эканини тасдиқлаган диагностик воситалар орқали тўплангани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилгани, тадқиқот объекти сифатида турли оилаларни танланганлиги, синалувчилар гуруҳининг репрезентативлиги, олинган эмпирик қийматлар математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари ва “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказларининг ҳудудий бўлинмаларида ўтиладиган “Оила психологияси”, “Оилавий инқирозлар психологияси”, “Ижтимоий психология” ва “Оилада психологик маслаҳат ва психотерапия” фанларини илмий манбалар билан бойитишда ва оила психологларининг малакасини оширишда, шунингдек, оилаларни мустаҳкамлигини таъминлашда, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, турмуш ўртоғини танлашда ҳамда оила институтини мустаҳкамлигини таъминлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оилаларда никоҳдан ташқари муносабатларни келтириб чиқарувчи “ўзгани севиб қолиш”, “моддий эҳтиёжини қондириш”, “жинсий алоқага мажбурият сифатида қараш” ҳамда “турмуш ўртоғидан жинсий қониқмаслик” каби ижтимоий-психологик омиллар аниқланган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 21 октябрдаги П-М-8^г-сон маълумотномаси). Натижада ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан ишлаш ва уларнинг сабабларини тўғри таҳлил қилишда амалий имкониятларни кучайтирган;

никоҳдан ташқари муносабатлар аёлларда “ёшликдаги муҳаббат ҳислари асосида” ва эркакларда “бўш вақтини яхши кайфият билан ўтказиш” ҳамда “хизмат сафари, дўстлар учрашуви” вақтида жинсий алоқа юзага келиши аниқланган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 21 октябрдаги П-

М-8^г-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар онгига никоҳдан ташқари муносабатларнинг салбий оқибатларини тушунтириш, низоли вазиятларни психологик таҳлил қилиш, бунинг натижасида оиладаги рашк туфайли содир бўлаётган турли кўнгилсизликларни аниқ тушунтиришнинг ижтимоий-психологик асоси яратилди;

никоҳдан ташқари муносабатларнинг вужудга келишида оилаларнинг мустақкамлигини таъминловчи “ўзаро ҳурмат” ва “ҳиссий интилиш”нинг пасайиши етакчи психологик омиллар сифатида аниқланган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 21 октябрдаги П-М-8^г-сон маълумотномаси). Натижадан оилавий консультация жараёнида эр-хотин муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлашда асосий мезон сифатида фойдаланилди;

никоҳдан ташқари муносабатларнинг асоратлари, ажралишлар ва турли таносил касалликларни олдини олиш бўйича муаллифлик ишланмаси тавсифланиб, услубий таъминот ишлаб чиқилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 21 октябрдаги №П-М-8^г-сон маълумотномаси). Натижада ёш оилалар билан ишлаш самарадорлиги ошди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 2 та хорижий, 6 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, булардан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, конференция ва семинар материаллари тўпламида 6 та, хорижий халқаро анжуманлар тўпламида 2 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги баён қилинган; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек объекти, предмети ва методлари таърифланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқ этилиши ва уларнинг апробацияси баён қилинган. Шунингдек, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши борасида

маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Никоҳдан ташқари муносабатлар ижтимоий - психологик муаммо сифатида**” деб номланган **биринчи бобида** эр-хотин муносабатлари, оилавий низолар ва никоҳдан ташқари муносабатларни хориж ва ўзбек олимлари томонидан тадқиқ этилганлиги кўрсатиб ўтилган. Олиб борилган тадқиқотларда никоҳдан ташқари муносабатлар ҳар даврда ҳам долзарб мавзу эканлиги асосланган. Никоҳдан ташқари муносабатлар жаҳон миқёсида психологлар томонидан турлича талқин этилган. Шумладан: никоҳдан ташқари муносабатларнинг психологик омиллари (Х.Джеймс, Н.М.Каушик, М.Давн, Б.А.Соколкий, О.Лосева, А.Н.Харитонов, Г.Н.Тимченко, Т.В.Андреева, С.И.Ожегова) оилавий низолар ва никоҳдан ташқари муносабатларга мойиллиги бор шахс типологияси (К.Витек, В.М.Целуйко), оилавий ажримлар (Н.Г.Юркевич, В.Т.Колокольникова, Г.Новейтис), никоҳдан ташқари муносабатларни сабаблари (Т.Д.Дубовицкая, М.И.Рипинская, К. Кофта, А.Липпиус), эр-хотинларнинг бир-бирларига бўлган ишончини йўқолиши (К.Ботуин, А.Н.Волкова, А.И.Львова, Т.М.Заславская, А.Г.Гришин, М.И.Рипинская, Ю.Б.Рюриков) каби муаммолар олимлар томонидан ўрганилган. 2017 йил “Хиндистон вақти” (time of India) журналида Нисчала Муртхи Каушик (Nischala Murthy Kaushik) томонидан никоҳдан ташқари муносабатларга киришишнинг ўн икки сабаби келтириб ўтилган.

Зигмунд Фрейднинг изланишлари ҳам шахсларнинг жинсий тарбия ҳақидаги билимларининг ривожланишида муҳим ҳисобланади. Зигмунд Фрейд жинсий фаоллик бир нечта тузилмалардан иборат бўлиб, у инсоннинг никоҳдан ташқари муносабатларга киришиши ёки киришмаслиги ва жинсий тарбияси унинг этик мазмунидан келиб чиқишлигини таъкидлайди. Зигмунд Фрейднинг тадқиқотларда эркаклардаги жинсий майлнинг (либидо) асосий кучи уни келтириб чиқарувчи хис-туйғулар билан боғлиқлиги кўрсатилган. У ўзининг онтогенез босқичларидаги (психосексуал) – психологик, биологик ривожланиш қонуниятларининг илмий хулосасига кўра “зўриқиш ва девиант назарияси”ни яратади. Фрейд бўйича ушбу назария тўрт босқичдан иборат бўлиб, бу босқичларда шахснинг биологик эҳтиёжларни қондирилишида турли тўсиқлар борлиги, ушбу тўсиқ ва зўриқишлар секин-аста йиғилиши натижасида физиологик жараёнларнинг девиант ҳолатига олиб келиши таъкидланган. Бу ҳолат ўз-ўзидан шахсда никоҳдан ташқари муносабатларга мойилликнинг пайдо бўлишига ёки навбатдаги бошқа бир касаллик сифатида ривожланишига олиб келиши мумкинлиги кўрсатилган.

Г.Ю.Айзенк тадқиқотларида никоҳдан ташқари муносабатларнинг биологик хусусиятлари ўрганилган. У никоҳдан ташқари муносабатдаги шахсларнинг экстравертлик ва интровертлик хусусиятлари, шахс қадриятлари ва шахс типларини тизимли равишда ўрганган. Экстраверт типдаги аёлларда жинсий қониқиш даражаси интраверт тип вакилларига нисбатан юқори бўлиши ва ўз никоҳидан қониқиш ҳисси пайдо бўлмаса, уларда никоҳдан ташқари муносабатларни юзага келиши эҳтимоли юқори

эканлиги бир қатор илмий хулосалари натижаларида кўрсатиб ўтган.

Шунингдек, немис олимларидан Ш.Гизе ва Г.Шмидлар ўз тадқиқотларида экстраверт типдаги инсонлар никоҳдан ташқари муносабатга киришишда кўпроқ таваккалга таянишларини ва жинсий фаол бўлишларини аниқлаганлар. Уларнинг тадқиқотида экстравертларни жинсий қониқишга талабгорлик (даво) даражаси юқори бўлганлиги туфайли, агар улар никоҳдаги жуфтидан қоникмаса никоҳдан ташқари муносабатларга киришишда таваккал қилиш эҳтимоли юқори бўлишини қайд этганлар.

Оила психологияси масалалари бўйича кўплаб илмий ишлар муаллифи, И.С.Кон ўз ишларида жинсий эҳтиёжларнинг кучи ва давомийлиги шахснинг жинсий ҳолати ёки унинг физиологик характерида тўлиқ акс этмаслигини таъкидлайди. Унинг тадқиқотларида жинсий хоҳишларнинг даражаси шахснинг психофизиологик ҳолатлари ва унга таъсир этувчи ижтимоий омилларга боғлиқлиги аниқланган. И.С.Коннинг тадқиқотларида никоҳдан ташқари муносабатларга киришишда ташқи омилларнинг ўрни юқори эканлиги қайд этилади. Яъни унинг таъкидлашича, индивид ёқимли қарама-қарши жинс вакилини кўрганда, унга нисбатан жинсий эҳтиёжни кўзғалишига ва никоҳдан ташқари муносабатларга киришишга мойилликни намоён бўлиши кузатилади экан.

И.С.Кон масалага ёндашишда, шахсни индивидуал-психологик хусусиятларининг турли жиҳатларини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлаб, қуйидаги ҳолатларни тавсифлаб ўтади: 1) шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини жамиятда (жамоада) намоён бўлиши ва жинсий фаолиятнинг индивидуал характерли ҳолатларини; 2) шахснинг никоҳдан ташқари муносабати унинг шахсий установакалари, қадриятларига боғлиқлигини; 3) ижтимоий институтлар, ижтимоий қатламларда никоҳдан ташқари муносабатларни тўғри (адекват) тушунтириш, оила ва никоҳ анъаналарига амал қилиш даркорлиги; 4) шахсий қадриятлар, диний таълимотларда никоҳдан ташқари муносабатларга оид тушунчаларнинг талқин этилиши; 5) урф-одатлар, никоҳ олди омиллар, совчилик, тўй ва унда иштирок этганларнинг роли муҳим эканлиги таъкидлаган.

Оилашунос олимларнинг ишлари ва оилавий муносабатларга бағишланган адабиётлар билан танишиб чиқиш бу йўналишда ўзига хос илмий амалий тажрибалар йиғилганлигини кўрсатади. Жумладан республикамиз психолог олимларидан Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Э.Н.Сатторов, Н.А.Соғинов, Э.Ш.Усмонов, Х.К.Каримов, У.О.Кадиров, Р.С.Самаров, М.Утепбергенов, Г.Ниязметова, У.Сарибаева, Р.Душанов З.А.Расулова ва бошқаларнинг ишларида бу масалалар махсус илмий тадқиқот предмети сифатида тадқиқ этилган.

Тадқиқот мавзусига мос ягона иш ўзбек психолог олимлардан Ғ.Б.Шоумаров 1993 йил илмий-амалий конференцияда “Никоҳдан ташқари жинсий алоқаларни келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш чоралари” номли мавзу билан иштирок этган. Унинг ишида кўрсатилишича оилада содир бўлаётган қотилликларни 50,4% ни рашк ва вафосизлик ташкил этган.

Ажрашишлар асосини катта фоизини никоҳдан ташқари жинсий алоқалар ташкил қилиши таъкидлаб ўтилган.

Диссертациянинг “**Никоҳдан ташқари муносабатлар ва уларнинг оила институтига таъсири**” деб номланган **иккинчи бобида** никоҳдан ташқари муносабатдаги жуфтликларнинг хулқ-атворини ижтимоий-психологик хусусиятлари, никоҳдан ташқари муносабатларга мойиллиги бор шахсларнинг психологик типлари ва никоҳдан ташқари муносабатларнинг оила мустаҳкамлигига таъсири каби муаммолар назарий ва эмпирик таҳлил қилиб ўтилган.

Хориж психологлари ишларида никоҳдан ташқари муносабатни мазмуний планда бошдан кечириш когнитив, аффектив ёки хулқий реакциялар шаклида ифодаланиши кўрсатиб ўтилган.

Когнитив реакциялар – никоҳдан ташқари муносабат фактини таҳлил қилиш, унинг сабабини ва айбдорни (мен – у/ у - рақиб) кидириш, вазиятни аниқлаш, унинг тарихини кузатиш, яъни ҳодиса манзарасини яратишга интилиш билан изоҳланади. Кескин ҳолатларда шахсий тарих умумий планга кўчади, ахлоқ ҳақидаги, хиёнатнинг тарихий илдизлари, эр ва аёл психологияси борасида жўн назариялар кўпаяди. Ушбу реакция астеник хусусият ва интеллектга эга бўлган шахсларда намоён бўлади.

Аффектив реакциялар – никоҳдан ташқари муносабатни эмоционал бошдан кечиришда намоён бўлади. Бундан эмоцияларга – руҳий тушкунлик, кўрқув, ғазаб, ўзига ҳамда шеригига нафрат, бўшлиқ ҳисси, муҳаббат ва умид кабилар киради. Шахс хусусиятига қараб аффектив реакциялар меланхолик депрессияси ёки нафрат изтироби фонидида кечиши мумкин. Асосан ушбу реакция ижодкор ва ўзини намоён қиладиган шахсларда кузатилади.

Хулқий реакциялар - жанг ёки рад қилиш кўринишида намоён бўлади. Жанг қандай бўлмасин, муносабатларни қайта тиклаш, шеригини ушлаб туриш (илтимос қилиш, кўндириш, таҳдид, босим, шантаж), рақибни йўқ қилиш, у билан учрашувларни қийинлаштириш, раҳмини келтириб ўзига жалб қилиш, ҳамдардлик каби турли кўринишларда намоён бўлади. Рад этишда шериги билан муносабатларни қайта тиклаш масофали, расмий характер касб этади. Никоҳдан ташқари муносабат қурбонининг реакцияси пассив (мудофаавий) ва фаол (агрессив) бўлиши мумкин.

В.М.Целуйко¹³ томонидан аниқланган никоҳдан ташқари муносабатларга мойиллиги бор шахсларнинг қуйидаги психологик типлар борлиги кўрсатиб ўтилди:

№	Эркак	Аёл
1	Хотин ёқмас	Йўлдан оздирувчи
2	Таъсирчан эркак	Саргузаштларни ёқтирувчи
3	Шаҳзода	Ҳимоясиз
4	Учбурчак чўққиси	Қоникмайдиган

¹³ Целуйка В.М. Быть вместе нельзя расставаться. Как спасти отношения / В.Целуйка. – М.: 2008

5	Ўткир ҳиссиётлар қидирувчиси	
6	Донжуан (хотинбоз)	
7	Коллекционер – аёллар овчиси	
8	Забт этувчи	
9	Нарцисс	
10	Мунтазам қоникмаган	
11	Эркак	

Муаллиф томонидан тузилган ижтимоий-психологик сўровномада эр-хотиннинг бир-бирига жаҳл қилиб, алам юзасидан никоҳдан ташқари муносабатларга киришиш эҳтимоли аниқланди (1- жадвал). Натижа шуни кўрсатиб турибдики, 31,0% респондент - “Баъзи ҳолларда жаҳл ва алам юзасидан никоҳдан ташқари муносабатга киришиши мумкин”лигини таъкидлаган бўлса, 24.2 % - “Кўпинча жуфтликлар жаҳл ва алам устида никоҳдан ташқари муносабатларга киришиши”ни кўрсатганлар. 21,8 % - респондент эса “Ҳеч қачон бундай ҳолат бўлмаслигини” таъкидлаганлар. 8,1 % - респондент “Доим шундай бўлади” деган жавоби орқали никоҳдан ташқари муносабатларга киришувчанликка хулқ-атвор муносабатларини билдирганлар.

1-жадвал

Турмуш ўртоғини никоҳдан ташқари муносабатга киришганини эшитиб, эрнинг хотинига ёки хотиннинг эрига жаҳл қилиши, аламини олиш мақсадида ўзга одам билан никоҳдан ташқари муносабатга киришиш эҳтимоли ҳақидаги маълумотлар

	а) ҳар доим	б) кўпинча	в) баъзи ҳолларда	г) жуда кам ҳолларда	д) ҳеч қачон
Микдори	20	60	77	29	54
Фоизларда	8,1 %	24,2 %	31,0 %	11,7 %	21,8 %

Муаллиф сўровномада респондентларга “Сиз қайси ҳолларда турмуш ўртоғингизни никоҳдан ташқари муносабатларга киришишга ёки бошқа оила қуришига рози бўласиз?” - деган савол билан мурожаат қилган. Натижалар 2-жадвалда ўз аксини топган.

2 -жадвал

Респондентларнинг турмуш ўртоғини никоҳдан ташқари муносабатларга киришиши ёки бошқа оила қуришига розилиги ҳақидаги маълумотлар (n=248)

Т.р	Тасдиқларнинг номланиши	Эркаклар (n=124)	Аёллар (n=124)
1	Турмуш ўртоғим кутган эҳтиёжларни қондира олмасам	7	35
2	Моддий эҳтиёжларимни тўлиқ қондириб берса	1	36
3	Кунлик спиртли ичимликларни ичишни тўхтатса	0	20

4	Хар кунги оилавий жанжални қилмаса	9	16
5	Диний маълумотим сабабли рози бўламан	2	17
6	Мен бошқа бировни ёқтираман	25	14
7	Олган тарбиямга тўғри келмаслигини	7	12
8	Яна қандай (рози бўлмайман)	17	22
9	Яна қандай (фарзанд кўрмасам ёки ажрашсам)	9	9

Натижалардан кўришиб турибдики, саволларни хар бири бўйича олинган жавоблар устида бирма-бир тўхталиш, ўзбек оиласида никоҳдан ташқари муносабатларни юзага келишини таҳлил этиш айтиш айни муддао бўлар эди. Бироқ ишимизнинг ҳажм жиҳатидан чегараланганлигини ҳисобга олган ҳолда биз яққолроқ фарқлашиб турувчи айрим натижалар устидагина тўхталиб ўтишни лозим топдик. Унга кўра б-тасдиқ бўйича натижалар яъни бошқа инсонни ёқтириш асосида никоҳдан ташқари муносабатга киришиш эркакларда устунлик қилса, қолган барча тасдиқларда аёллар устунлик қилган.

Диссертациянинг “**Ўзбек оилаларида никоҳдан ташқари муносабатларни намоён бўлишнинг ижтимоий-психологик омиллари**” деб номланган **учинчи бобида** ўзбек оилаларида никоҳдан ташқари муносабатларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омиллар эмпирик таҳлил қилиб берилган. Ишончли методикалар орқали оилаларни никоҳдан қониқиш даражаси аниқланган.

Тадқиқотимиз учун танлаб олинган методикаларни биздан олдин ўзбек оилаларида қўллаган ва турли хил натижаларга эга бўлган психологларнинг илмий тадқиқот натижалари билан таққослашни мақсадга мувофиқ деб билдик. А.Н.Волкованинг ўзаро тушуниш, ҳиссий яқинлик, ўзаро ҳурмат омилларини аниқловчи (ПЭА) методикаси бўйича олинган натижаларни хронологик кўрсаткичи қуйидаги намоён бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Респондентларда “ўзаро-тушуниш”, “эмоционал интилиш” ва “ўзаро ҳурмат” омиллари кўрсаткичлари (кўрсаткичлар балларда берилган)

Омиллар Гуруҳлар	П		Э		А	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Н.А.Соғинов натижалари* 1990 йил						
МҚО	21,70	21,57	22,95	21,60	21,93	23,05
МШО	24,75	23,23	26,65	25,70	23,90	26,05
АҚО	17,15	15,07	14,95	14,37	10,85	12,27
АШО	17,55	19,50	19,53	12,77	15,55	10,90
Р.С.Самаров натижалари** 1997 йил						
МО	25,04	24,0	25,80	23,85	23,95	27,10
НО	16,90	18,90	20,03	17,07	14,50	16,01

Г.И.Ниязметова натижалари*** 2010 йил						
I гуруҳ	18,03	19,65	25,87	26,07	26,05	24,82
II гуруҳ	15,55	17,37	24,48	24,37	19,93	21,90
III гуруҳ	20,67	20,32	23,35	24,70	21,93	23,42
IV гуруҳ	20,3	21,83	25,45	25,23	21,90	23,45
Х.У.Абдусаматов натижалари - 2019 йил						
1-5 йилгача	18,50	17,80	18,60	17,50	19,30	19,70
6-10 йилгача	18,60	18,09	17,04	16,04	18,06	17,06
11-40 йиллар	19,03	20,70	20,30	18,70	19,20	19,0

Изоҳ: *Соғинов Н.А. Социально психологические особенности удовлетворенности браком в Узбекской семье. Дисс. ... канд. психол. наук. – Киев. 1990. – С. 95.; **Самаров Р.С. Социальные и этнопсихологические особенности супружеских конфликтов в Таджикской семье. Автореф. дисс. ... канд. психол. наук.-Т.,1997. – С.10.; ***Ниязметова Г. Ўзбек оилаларида эр-хотинлик муносабатлари динамикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психол. фан. номз. ... дисс. –Т.,2010 –Б. 89;


